

**АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

“Электроника ва автоматика” факультети

**“Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш”
кафедраси**

РЕФЕРАТ

Мавзу:

**ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИНИНГ ДАВЛАТ СИНОВИ ВА
МЕТРОЛОГИК АТТЕСТАЦИЯЛАШ**

Бажарди: Мадаминов Ў.

Кабул килди: Миралиева А.К.

Тошкент 2014

Режа:

- 1. Ўлчаш воситаларининг давлат синовии**
- 2. Ўлчаш воситаларини метрологик аттестациялаш.**

1 Ўлчаш воситаларининг давлат синовии

Ўлчаш воситаларини давлат синовии ва метрологик аттестациялаш, амалдаги меъёрий ҳужжатларга мос равишда назорат ва текширув шакли тарзида ўтказилади.

Давлат синовлари мамлакатда ўлчаш бирлилигини таъминлаш, мавжуд ўлчаш воситалари тўпламидан самарали фойдаланиш ва оқилона натижа берувчи номларини белгилаш, ўзининг техник кўрсаткичлари ва сифати бўйича ўзимизда ишлаб чиқарилган энг яхши ва чет эл намуналарига мос келувчи ёки улардан устун турувчи ўлчаш воситаларини ишлаб чиқарилишини ва тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида ўтказилади.

Ўлчаш воситаларини давлат синовларини асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ўлчаш воситаларини замонавий техник даражага мос келишини аниқлаш;

- ўлчаш воситасини мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ёки чет эллардан олиб келиш заруриятини мақсадга мувофиқлигини ва имкониятини аниқлаш;
- ўлчаш воситаларини қиёслаш ва таъмирлаш усуллари ва воситалари билан таъминланганлигини текшириш;
- ишлаб чиқарилаётган ва чет эллардан келтирилаётган ўлчаш воситаларини меъёрий ҳужжатлар талабларига мос келишини текшириш.

Давлат синовларини иккита тури белгиланган: қабул қилишда ва текширишда.

Узликсиз ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги турдаги ўлчаш воситаларининг тажриба нусхалари, шунингдек чет элдан келтирилиши мўлжалланган ўлчаш воситаларининг намуналари давлат қабул синовларидан ўтказилиши шарт. Бу синовларнинг ижобий натижалари ўлчаш воситаларининг турини тасдиқлашга ва ишлаб чиқишга руҳсат беришга ҳамда узлуксиз равишда ўлчаш воситасидан фойдаланиш мумкинлигига асос бўлади. “Ўзстандарт” агентлиги томонидан тасдиқланган ўлчаш воситалари турлари давлат реестрига киритилиши лозим.

Давлат текширув синовларидан ишлаб чиқарилаётган ва даврий тарзда чет эллардан келтирилаётган тўплам ўлчаш воситалари намуналари ўтиши лозим:

- узлуксиз ишлаб чиқаришга ва чел элдан киритилаётган тўпламларга руҳсат берилган вақтнинг тугаши муносабати билан;

- ўлчаш воситаларининг метрологик характеристикалари меъёрларига таъсир қилувчи конструктив ёки уларни тайёрлаш технологияларига ўзгартиришлар киритилганда;
- ишлаб чиқарилаётган ва даврий тарзда чет эллардан келтирилаётган ўлчаш воситалар тўплами турларини ва меъёрий ҳужжатлар талабларига мос келишини текширув тартибида.

Давлат текширув синовларининг ижобий натижалари, уларни узлуксиз ишлаб чиқишни давом эттиришга асос бўлади.

Давлат синовларининг мақсади:

- мамлакатимизда ўлчаш бирлигини таъминлаш;
- ўлчаш воситалари паркидан оқилона ва самарали фойдаланиш ва уларнинг номенклатураларини аниқлаш;
- ўзининг техник кўрсаткичлари ва сифати бўйича юртимизда ёки хорижда ишлаб чиқарилган аъло даражадаги намуналарга мос келувчи ёки улардан устун келувчи ўлчаш воситаларини ишлаб чиқиш.

Бу мақсадаларга ўлчаш воситаларини ҳозирги замон техник кўрсаткичларига мос келишини таҳлил қилиш; ўлчаш воситаларини қиёслаш усулари ва таъмирлаш воситалари билан таъминланганлигини текшириш; қиёслаш учун усулар ва воситаларни тўғри танланганлигини ҳамда қиёслашаро интервали ишончли норматив кўрсаткичларига мос келишини; ўлчаш воситасини мамлакатимизда ишлаб чиқариш заруриятини ва имкониятларини аниқлаш ёки уларни чет эллардан келтириш кераклигини, ишлаб чиқарилаётган ёки хориждан келтирилаётган ўлчаш воситаларини

техник ҳужжатларини талабларга жавоб беришини текшириш орқали эришилади.

Шундай қилиб, давлат синовлари тизимлари асбобсозлик соҳасида давлат метрологик хизматининг ягона техник сиёсатни амалга оширишнинг ўта муҳим қуроли бўлиб хизмат қилади. У ўлчаш воситаси “ҳаёт” ининг ҳамма босқичларини қамраб олади. Техник топшириқни яратиш босқичида уни метрологик экспертизадан ўтказилади. Бунда ўлчаш воситасини тавсия этилаётган метрологик характеристикалар билан яратиш заруриятини баҳолаш, ўлчаш воситасини қийёслаш усулари ва воситалари билан таъминланганлиги текшириш, метрологик терминлар ва физик катталиклар бирликларидан тўғри фойдаланилаётганлиги ва ҳ.к. ишлари олиб борилади.

Техник топшириқларни метрологик экспертизадан ўтказиш, халқ-хўжалигининг эҳтиёжига жавоб бермайдиган, ўз вақтида техник топшириқларда йўл қўйилган хатоларни бартарф этиши, халқ-хўжалигининг эҳтиёжига жавоб бермайдиган ўлчаш воситаларини лойиҳалаштириш учун кераксиз сарф харажатлардан холос бўлиш имконини беради.

2 Ўлчаш воситаларининг метрологик аттестациялаш.

Халқ-хўжалигида қўлланиладиган ўлчаш воситаларининг талайгина қисмларини ишлатиш учун ягона экземплярда (нусҳада) ёки кўп бўлмаган партияда ишлаб чиқилади. Бундай ўлчаш

воситалари стандартлаштирилмаган дейилади. Бу ўлчаш воситаларини эксплуатация қилиш учун яратишда, тайёрлашда, метрологик таъминотнинг асосий қоидаларини регламентлаш мақсадида мос келувчи стандарт яратилган бўлиб, унга мувофиқ яратилаётган ўлчаш воситаси учун конструкторлик ва технологик хужжатларни метрологик экспертизаси ўтказилади, шунингдек метрологик аттестация ҳам назарда тутилган бўлиб, бунда ҳам давлат синовларида кўзда тутилган функция (вазифа) ларни бажарилади.

Моддаларнинг таркиби ва стандарт намуналари ҳам аттестациядан ўтказилиши лозим. Мана шунда бизнинг мамлакатимизда ўлчаш бирлигини таъминлашнинг асосланган қонун-қоидасига бўлган ҳаракати намоён бўлади – бу эса ҳар бир ўлчаш воситасини, фақат, стандартланган ўлчаш воситасиларига давлат синовлари, стандартлаштирилмаган (якка тартибдаги) ўлчаш воситалари ва стандарт намуналар – метрологик аттестация шаклида тасдиқланганидан сўнгина фойдаланишга рухсат этилади демакдир.

Адабиётлар

1. Исматуллаев П.Р., Абзамов А.А., Максудов А.Н., Абдуллаев А.Х., Ахмедов Б.М., Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Дарслик. Тошкент. Ўзбекистон нашриёти.
2. Исматуллаев П.Р., Қодирова Ш.А. - “Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш”. Ўқув қўлланма. Тошкент. ТДТУ., 2007.
3. Абдуллаев А.А. и др. Основы стандартизации, метрологии и управление качеством. Ташкент “Узстандарт”, 2005.
4. Абдуллаев А.А. и др. Основы обеспечения единства измерений. – Ташкент: «Узстандарт», 2005.
5. Исматуллаев П.Р., Абдуллаев А.Х., Қодирова Ш.А. ва бошқалар., Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Маърузалар матни. Тошкент. ТДТУ., 2005.
6. Абдуллаев А.Х., Қодирова Ш.А., Абзамов А.А. “Метрология, стандартизация и сертификация”. Учебное пособие. Ташкент. ТГТУ., 2003.
7. Исматуллаев П.Р., Қодирова Ш.А. “Метрология асослари”. Ўқув қўлланма. Тафаккур. 2012.
8. <http://www.rsl.ru/>;

9. <http://www.msu.ru/>;
10. <http://www.nlr.ru/>;